

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
**«Қайта рўйхатга олинган»**  
2009 йил 30 декабрдаги  
418п -сонли гувоҳномаси

Ўзбекистон Футбол Федерациясининг  
навбатдан ташқари Конференциясида  
**«Тасдиқланган»**  
2009 йил 2 ноябр

## **ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ**

### **УСТАВИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Тошкент шаҳри

## АТАМАЛАР ТАЛҚИНИ

Бу ерда келтирилган атамалар қуйидагиларни англатади:  
**ЎФФ**: Ўзбекистон Футбол Федерацияси;  
**ФИФА**: Футбол Уюшмаларнинг Халқаро Федерацияси;  
**ОФК**: Осиё Футбол Конфедерацияси;  
**Ўзбекистон Профессионал футбол Лигаси**: ЎФФга ҳисобот берувчи ташкилот;  
**Минтақавий федерация**: ЎФФга ҳисобот берувчи ташкилот (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри футбол федерациялари);  
**Клуб**: ЎФФ аъзоси, у ўз навбатида ФИФА аъзосидир;  
**Расмий шахслар**: Барча кенгаш аъзолари, кўмиталар аъзолари, мураббийлар, ҳакамлар, маъмурият ходимлари, шунингдек ФИФА, Конфедерациялар, Миллий Уюшмалар, Лигалар ёки Клубда техникавий, маъмурий ва тиббий масалаларга жавоб берувчи бошқа шахслар;  
**Футболчи**: Уюшма томонидан рўйхатга олинган футболчи;  
**Конференция**: ЎФФ олий органи;  
**Ижро этувчи кўмита**: ЎФФ ижро этувчи органи;  
**Аъзо**: ЎФФ Конференцияси томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик ёки жисмоний шахс;  
**Ассоциатив футбол**: ФИФА томонидан назорат қилувчи ва футбол ўйини Қоидаларига мувофиқ ташкил қилинган ўйин;  
**ФУХК (IFAB)**: Футбол Уюшмалари Халқаро Кенгаши;  
**Оддий судлар**: Умумий юрисдикция судлари;  
**Арбитраж трибунали**: Оддий суд ўрнига ҳаракат қилувчи суд органи;  
**САТ**: Лозанна шаҳридаги (Швейцария) Спорт Арбитражи Трибунали;  
**НВ (изох)**: Эркак ва аёлларни кўшиб жисмоний шахсларга кўрсатмалар. Бирлик сони таърифлари кўплик сонларига ва тескарисига қўллаб бўлади.

## I. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-модда. Номи, штаб-квартираси, ҳуқуқий шакли

1. Ўзбекистон Футбол Федерацияси (ЎФФ) Ўзбекистон Республикасининг 34 моддасинга, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат ташкилотлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида” ва “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ ташкил этилган.

У номуайян муддатга таъсис этилади.

2. ЎФФ нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ФИФА, ОФК ва мазкур Уставга биноан амалга оширади, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЎФФ мулкчилик ҳуқуқларини юридик ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга оширади.

3. Мазкур Устав билан назарга олинган ЎФФ ҳуқуқлар доирасидаги юрисдикцияси ва ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига тарқалади.

4. ЎФФ ҳамда ЎФФ жамоа аъзоларининг фаолиятига давлат (унинг органлари)нинг аралашувига йўл қўйилмайди.

5. ЎФФ штаб-квартираси қуйидаги манзил бўйича жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100011, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 98 «А».

6. ЎФФ - ФИФА ва ОФК аъзосидир.

7. ЎФФ ўз фаолиятини аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги ва қонунчилик тамойиллари асосида амалга оширади.

8. ЎФФ ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъекти бўлиб, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикасининг банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобларига, ўз номи акс эттирилган думалоқ муҳр ва штампга, ўрнатилган намунали бланкларга, расмий нишон, байроқча, жетон, медал, диплом ва фахрий ёрликларга эгадир.

9. ЎФФ юридик шахс ҳисобланиб, мустақил равишда молиявий ва хўжалик иш олиб боришга ҳақли, алоҳидаги мол-мулкка эга, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятларни тортиши, шунингдек суд ва хўжалик судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. ЎФФ ЎФФ Конференцияси ва ФИФА томонидан тасдиқланган ўз нишонига эга. ЎФФ халқаро ва бошқа тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат гимнидан фойдаланади. ЎФФ байроғи, герби, логотипи ва қисқартма сўзлари ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

## **2-модда. Мақсад ва вазифалар**

1. ЎФФ асосий мақсадлари бўлиб, ўзи мақсадга мувофиқ топган барча воситалар ёрдамида футболни ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳисобланади. ЎФФ мақсадларга таяниб ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

а) футболни ҳар томонлама мукамаллаштириш ва доимий тарзда ривожлантириш, шунингдек «Фэйр плей» тамойиллари ва унинг бирлаштирувчи, тарбиявий, маданий ва инсонпарварлик ўрни нуқтаи назаридан, хусусан ёшлар ўртасидаги ва футболни умумий ривожлантириш орқали ЎФФ бутун ҳудудида уни тартибга солиш ва назорат қилиш;

б) Миллий даражада барча шаклдаги Ассоциатив футбол бўйича мусобақаларни уюштириш, бунда талабларига мувофиқ у таркиб топган чемпионатни бошқарувчи турли-туман органларнинг жавобгарлик ҳудудларини аниқ белгилаш;

в) тартибот ва низомларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

г) ўз аъзоларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

д) ФИФА, ОФК ва ЎФФ Устави, тартиботи, кўрсатма ва қарорларига, шу каби ҳам футбол ўйини Қоидаларига нисбатан иззат-ҳурмат муносабатда бўлиш ва уларнинг бузилишини олдини олиш, ҳамда уларни ўз аъзолари томонидан риоя қилишларини таъминлаш;

е) матч ёки турнирлар ўтказилишига хавф туғдирувчи ёки Ассоциатив футболга зарар келтириши мумкин бўлган ҳар қайси усул ва амалиётларни олдиндан бартараф қилиш;

ж) ЎФФ ҳудудида ўтказилаётган барча ўртоқлик футбол матчларни назорат қилиш ва ўтказилишини таъминлаш;

з) ҳар қайси шаклдаги Ассоциатив футболга тааллуқли бўлган халқаро спорт алоқаларни назорат қилиш;

и) халқаро ва бошқа даражадаги мусобақаларни қабул қилиш;

к) соғлом турмуш тарзи, соламотлик профилактикаси ва муҳофазаси, футболни оммавий ривожлантиришга қаратилган дастур ва тадбирларни яратиш ва амалга ошириш;

л) футбол бўйича турли даражадаги мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш ташаббускори сифатида қатнашиш;

м) футбол бўйича терма жамоалар, футбол клублари ва спорт мактаблари учун захира тайёрлашда давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларга кўмаклашиш;

н) меҳнат жамоаларда, ўқиш ва яшаш жойларида спортчиларни тайёрлаш ва футболни ривожлантириш бўйича ишлар ўтказилишини таъминловчи манфаатдор давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ва жамоатчилик ташкилотларга кўмаклашиш (амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда);

о) футбол бўйича спорт иншоотларни қуриш, қайта тиклаш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини амалга оширувчи ташкилотларга кўмаклашиш;

п) мамлакатнинг спорт ташкилотлари учун мураббий ва ҳакамлар тайёргарлигини, шу жумладан спорт ва ижодий ғоялар алмашинуви, кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, футбол ривожланишини таъминлашни амалга оширувчи оммабоп нодавлат тизими амал қилишни таъминлашга кўмаклашиш;

р) спорт фаолиятини тугатган спортчиларни замонавий ҳаёт шароитларга мослашиш тизими яратишга ва амал қилишни таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг спорт соҳасидаги тажрибаларига асосланган касбни эгаллаш ва келгусида иш билан таъминлашда уларга ёрдам кўрсатиш;

с) оилавий аҳвол туфайли қуйидаги мадад беришда муҳтожлик сезувчи футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоалар таркибига кирувчи спортчиларга моддий, тиббий, ижтимоий ёрдам беришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда ва жорий қилишда кўмаклашиш;

т) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ турли лотереяларни ташкиллаштириш ва ўтказишига кўмаклашиш;

у) ахборот маълумот материаллар, ўқув-услубий, оммабоп спорт адабиётини ва кўргазмали ташвиқот воситаларни тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатишда кўмаклашиш;

ф) икки ва ундан кўпроқ минтақавий федерация ёки клублар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳар қайндай келишмовчиликларни ҳал қилишда Устав ва Тартибот тамойилларига риоя қилинишни таъминлаш;

х) футболни ривожлантириш бўйича дастур ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун сармоядор ва ҳомийлар билан иш олиб бориш;

ц) футболни ривожлантириш бўйича илғор тажрибани ёйиш ва ўрганишга қаратилган республика ва халқаро амалий ва назарий конференция, семинар ва ўзга тадбирларни ўтказиш бўйича иш олиб бориш;

ч) барча ёшга оид гуруҳ ва тоифалар ўртасида футбол бўйича мусобақалар ташкиллаштириш борасида ишларни олиб бориш;

ш) халқаро мусобақаларда қатнашиш учун футбол бўйича терма жамоаларни шакллантириш бўйича ишларни олиб бориш;

щ) футбол бўйича ўқув дастурлар, режалар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш учун илмий-педагогика жамоаларни шакллантириш ва молиялаштириш бўйича ишларни олиб бориш;

ъ) электрон ва босма оммавий ахборот воситаларида ахборотга оид фаолиятни амалга ошириш бўйича ишларни олиб бориш;

ы) барча даражадаги футбол матчларни ташкиллаштириш йўли билан минтақавий федерациялар, шунингдек уларнинг расмий шахслари ва ўйинчилари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича ишларни олиб бориш, ҳамда минтақаларда футбол ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун ўзга мақбул чора-тадбирларни кўрсатиш;

ь) халқаро майдонда Ўзбекистон футбол ўрнини мустаҳкамлаш ва нуфузини ошириш бўйича ишларни олиб бориш;

э) футболдаги зўравонлик, ирқий, миллий, сиёсий, жинсий, диний ва ўзга баҳоналар бўйича барча турдаги камситишларга қарши чоралар кўриш бўйича ишларни олиб бориш;

ю) оммавий ахборот воситаларни, рўзнома ва журналларни, шунингдек буклет, плакат, дастур, тақвим ҳамда футбол ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилувчи бошқа турдаги босма маҳсулотларни чоп этиш бўйича ишларни олиб бориш;

я) ҳалол спорт кураши, рақибга ҳамфикрлик ва биродарлик руҳида олийжаноблик муносабатида бўлиш тамойилларида ёшларни тарбиялаш бўйича ишларни олиб бориш. Ўзбекистон Республикасининг спортчилар ва спорт ташкилотларини тинчликни сақлашда, "Спортчилар тинчлик учун" ҳаракатига кўмаклашишда, сиёсий мақсадларда футболдан фойдаланиш борасида урунишларга қаршилик кўрсатишда фаол қатнашишларига жалб қилиш;

аа) футболда допингни қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ФИФА Тиббий Кодекси қоидаларига риоя қилиш бўйича чораларни кўриш борасида ишларни олиб бориш;

аб) халқаро спорт ҳамкорликни ривожлантириш, бошқа мамлакатларнинг миллий футбол федерациялар билан алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш, ОФК ва ФИФА билан доимий алоқаларни амалга ошириш бўйича ишларни олиб бориш;

ав) юқори спорт натижаларига эришган спортчиларни рағбатлантириш бўйича ишларни олиб бориш;

гг) футбол матчларни намойиш қилиш шартлари ҳақида мамлакатнинг Ўздавлаттелерадиокомпанияси билан шартномаларни тузиш бўйича ишларни олиб бориш;

дд) мазкур Устав, ФИФА томонидан тасдиқланган тартибот ва ўйин Қоидалар бузилишини олдини олишга қаратилган зарурий ва мақсадга мувофиқ чораларни кўриб, шунингдек ўйин Қоидаларига нотўғри ва ўзга усулларни жорий этилишини олдини олиб ва уни суиистеъмол қилишдан ҳимоялаб, футболнинг ҳар қайси тури ривожланиши устидан назорат қилиш бўйича ишларни олиб бориш;

ее) мазкур Устав билан белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш учун хорижий ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш ва сақлаб туриш бўйича ишларни олиб бориш;

жж) мамлакатда футболни ривожланишини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш борасида маркетинг фаолиятини ўрнатилган тартибда амалга ошириш бўйича ишларни олиб бориш;

зз) раҳм-шафқат тадбирларда қатнашиш ва ногиронлар орасида футбол ривожланишини қўллаб-қувватлашни ташкиллаштириш бўйича ишларни олиб бориш;

ии) Ўзбекистон терма жамоаларни зарурий анжом, жиҳоз, спорт кийими, тиббий-биологик, фармакологик, фармацевтик ва бошқа тақиқланмаган тиклаш воситалари билан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўришда уларга зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш;

кк) футбол ривожига катта ҳисса қўшган футбол фахрийларга, футболчиларга, мураббийларга, ҳакамларга ва бошқа шахсларга, шунингдек ЎФФ аъзоларга ва футболни ривожлантирганлиги учун бошқа шахсларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш;

лл) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган ва уставдаги мақсад ва вазифаларга эришиш учун қаратилган ўзга фаолиятни амалга ошириш бўйича ишларни олиб бориш.

### **3-модда. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар**

1. ЎФФ ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, унинг органлари ва ташкилотлари ЎФФ мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек ЎФФ ҳам Ҳукумат, унинг органлари ва ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3. ЎФФ минтақавий федерацияларни, агар уларнинг Уставлари Олимпия Хартияси ва ЎФФ Уставига зид бўлмаса, тан олиши мумкин. Тан олинган федерациялар ЎФФ таркибига киритилади.

4. ЎФФ исталган молия-кредит муассасаларида (банкларда) ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисоб рақамлар очиш ҳамда улар бўйича тегишли молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли.

5. ЎФФ ўз фаолиятини таъминлаш учун шартномавий асосда ҳақ тўлаган ҳолда доимий ва вақтинчалик жамоаларни шакллантириши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ЎФФ устав вазифаларини бажариш мақсадида, жумладан хорижий фирмалар биргаликда шўъба корхоналар, филиаллар ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни таъсис этиши, фаолияти ЎФФ олдида қўйилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган мазкур ташкилотлар фаолиятида қўшимча моддий ва пул маблағларини жалб қилиш учун иштирок этиши, реклама-хайрия фаолияти билан шуғулланиши, уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда қайта ташкил этиши ва тугатиши мумкин. ЎФФ ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар ЎФФ аъзолари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин эмас ва фақат устав мақсадлари ҳамда вазифаларини бажариш, шунингдек хайрия мақсадларига ишлатилиши лозим.

7. ЎФФ ваколатларига мувофиқ халқаро (нодавлат) бирлашмаларга аъзо бўлиши, хорижий ташкилотлар, фирмалар ва алоҳида фуқаролар билан ишбилармонлик алоқаларини амалга ошириши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида турли юридик ҳаракатларни, жумладан ташқи иқтисодий ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

8. ЎФФ ўз манфаатларини маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек тегишли халқаро ташкилотларда ифода этиши мумкин.

9. ЎФФ қуйидаги алоҳида ҳуқуқларга эга:

а) Ўзбекистон Республикасини ФИФА, ОФК, Халқаро Олимпиада Қўмитаси (ХОК) ва Осиё Олимпиада Кенгаши (ООК) ҳомийлигида ўтказиладиган футбол бўйича халқаро мусобақаларда ифода этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЎФФнинг рамзлардан фойдаланишга эгалик ҳуқуқини юридик муҳофаза қилиш чораларини амалга ошириш;

в) ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган тегишли эмблемадан фойдаланишга эгалик ҳуқуқи, шунингдек ундан реклама, тижорат ва бошқа мақсадларда фойдаланиш;

г) Ўзбекистон терма жамоаси таркибига кирувчи Ўзбекистонлик спортчилар ва уларнинг мураббийлари хусусида реклама ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш, уларнинг фототасвирларидан реклама мақсадларида фойдаланиш;

д) ЎФФ томонидан республика ҳудудида ўтказиладиган барча тадбирларни ташқи реклама қилиш, теле – ва радиотрансляция қилиш.

10. ЎФФ мажбуриятлари:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, халқаро ҳуқуқнинг унинг фаолияти соҳасига тегишли умумий эътироф этилган тамойиллари ва нормалари, шунингдек Уставда кўзда тутилган нормаларга риоя қилиш;

б) ҳар йили рўйхатга олувчи органни ўз фаолиятини давом эттириши тўғрисида аниқ жойлашган манзили, домий фаолият юритувчи раҳбарлик органи, унинг номи ва ЎФФ раҳбарияти

тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиладиган маълумотлар ҳажмида хабардор қилиш;

в) рўйхатга олувчи органнинг сўровига кўра ЎФФ раҳбарлик органлари ва мансабдор шахслари қарорлари, шунингдек ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни солиқ органларига бериладиган маълумотлар ҳажмида тақдим этиш;

г) рўйхатга олувчи орган вакиллари ЎФФ томонидан ўтказиладиган ташкилий тадбирларга таклиф қилиш;

д) рўйхатга олувчи орган вакилларига ЎФФ фаолияти билан устав мақсадларига эришиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан танишишларига кўмаклашиш;

е) ўз штат апаратининг шахсий таркиби бўйича ҳужжатлар ҳисоби юритилиши ҳамда сақланишини таъминлаш.

11. ЎФФ ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш, юридик шахс мақомига эга бўлган шўъба ва кўшма корхоналарни тузиш, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ҳақли.

#### **4-модда. Бетарафлик ва камситмаслик**

1. ЎФФ сиёсат ва диний масалаларда бетарафдир.

2. Мамлакат, хусусий шахс, гуруҳга нисбатан миллати, жинси, тили, дини, сиёсати ва бошқа сабабларга кўра камситувчи муносабатда бўлиш қатъий тақиқланади ва ихтисосликдан маҳрум қилиш (дисквалификация) ҳамда чиқариш билан жазоланади.

#### **5-модда. Дўстона муносабатлар ўрнатиш**

1. ЎФФ ўз аъзолари, клублар, расмий шахслар ва футболчилар ўртаси дўстона муносабатларни ривожлантириши, шунингдек инсонпарварлик мақсадларига жамиятда шундай алоқалар йўлга қўйилишига кўмаклашиши лозим.

2. Футбол ҳаётига жалб этилган ҳар битта шахс ёки ташкилот Устав, Регламентлар ва «Фэйр плэй» тамойилларига, шунингдек ҳолислик, дахлсизлик ва спорт ахлоқи тамойилларига амал қилиши лозим.

3. ЎФФ унинг аъзолари, клублар, расмий шахслар ва футболчилар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ички низоларни ҳал қилиш учун зарур чораларни кўради.

#### **6-модда. Футболчилар**

1. Футболчилар мақоми ва уларни ўтказиш билан боғлиқ қоидалар ЎФФ Ижро қўмитаси томонидан ФИФАнинг футболчилар мақоми ва ўтказилиши бўйича амалдаги Регламентига мувофиқ тартибга солиниши лозим.

2. Футболчилар ЎФФ меъёрий ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтишлари лозим.

#### **7-модда. Ўйин қоидалари**

1. ЎФФ ва унинг ҳар битта аъзоси ФУХК (IFAB) чиқарган Қоидаларга мувофиқ ассоциатив футбол ўйнайди. Фақат ФУХК (IFAB) Ўйин қоидаларини талқин қилиш ёки ўзгартиришга ҳақли.

#### **8-модда. Расмий органлар ва шахсларнинг муомаласи**

1. ЎФФ расмий органлари ва шахслари ўз фаолиятида ФИФА, ОФК ва ЎФФ Устави, регламентлар, директивалари, қарорлари ва ФИФА Ахлоқ Кодексига амал қилиши лозим.

#### **9-модда. Расмий тиллар**

1. ЎФФнинг расмий тиллари ўзбек ва рус тиллари ҳисобланади. Расмий ҳужжатлар ва матнлар турли тилларда ёзилиши лозим. Турли тиллардаги матнларнинг турлича таржималари ўртасида фарқ юзга келган ҳолда ўзбек тилида ёзилган матн устувор ҳисобланади.

2. ЎФФ Конференциясининг расмий тили ўзбек ва рус тиллари ҳисобланади.

## II. АЪЗОЛИК

### 10-модда. Аъзоликка қабул қилиш, вақтинча чиқариш ва чиқариш

1. Аъзоликка қабул қилиш, вақтинча чиқариш ва/ёки чиқариш тўғрисидаги қарор Конференция томонидан қабул қилинади.

2. Агар номзод ЎФФ талабларига мувофиқ бўлса аъзоликка қабул қилиш амалга оширилиши мумкин.

3. Аъзолик истеъфога чиқиш ёки чиқариш сабабли тугатилади. Аъзоликни йўқотиш ЎФФ ёки унинг аъзоларига нисбатан молиявий мажбуриятлардан озод қилмайди, бироқ ЎФФга нисбатан барча ҳуқуқлар бекор қилинишига олиб келади.

### 11-модда. Аъзоликка қабул қилиш

1. Қуйидагилар ЎФФ аъзоси бўлиши мумкин:

- а) Минтақавий футбол федерацияси;
- б) Ўзбекистон Профессионал футбол Лигаси;
- в) Ўзбекистон футбол клублари;
- г) Ўзбекистон Мини-футбол уюшмаси;
- д) Ўзбекистон аёллар футболли, аёллар мини-футболли (футзал) ва пляж футболли уюшмаси;
- е) Ўзбекистон Футбол фахрийлари кенгаши;
- ж) Ўзбекистон Футбол бўйича терма жамоалари маркази;
- з) Республика футбол мураббийлари ва ҳакамлари мактаби;
- и) Республика футбол бўйича олий спорт маҳорати мактаби;
- к) Футбол клубларининг футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари;
- л) Футбол ишқибозлари клуби;
- м) Футболчилар гуруҳлари;
- н) Мураббийлар гуруҳлари;
- о) Ҳакамлар гуруҳлари;
- к) ва фаолияти футболни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа ташкилотлар.

2. ЎФФга аъзо бўлишни истаган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс ЎФФ Бош котибиятига кўриб чиқиш учун ёзма ариза тақдим этиши лозим.

3. Аризага қуйидаги зарур ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) унинг юридик тасдиқланган устави ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

б) ЎФФ, ФИФА ва ОФК Устави, регламенти ва қарорларига риоя қилишни зиммасига олиши тўғрисидаги ёзма ишонтириш хати, шунингдек ушбу қоидаларга уларнинг аъзолари риоя қилиши тўғрисидаги тасдиқнома;

в) у амалдаги Футбол ўйини қоидаларига риоя қилиши тўғрисидаги ёзма ишонтириш хати;

г) у мазкур Уставда кўрсатилганидек ЎФФ Арбитраж Суди ва Лозаннадаги Спорт Арбитражи судини тан олиши тўғрисидаги ёзма ишонтириш хати;

д) у Ўзбекистон ҳудудида жойлашгани ва рўйхатга олингани тўғрисидаги ёзма ишонтириш хати (агар юридик жиҳатдан зарур бўлса);

е) ўзининг барча расмий уй матчларини Ўзбекистон ҳудудида ўтказиши тўғрисидаги ёзма ишонтириш хати;

ж) ҳеч қандай учинчи томонга боғлиқ бўлмаган ҳолда қарорлар қабул қилишга юридик ҳуқуқи борлиги тўғрисидаги ёзма ишонтириш хати;

з) учинчи томон билан юридик жиҳатдан ҳақиқий шартномаларни имзолаш ҳуқуқига эга расмий шахсларни белгиловчи рўйхат;

и) ўртоқлик матчларини ташкиллаштириш ва уларда фақат ЎФФнинг олдиндан розилигини олгандан сўнг иштирок этишни зиммасига олиши тўғрисидаги ёзма ишонтириш хати;

к) унинг олий органининг сўнги йиғилиши баённомаси нусхаси.

4. Ушбу модда ҳозирги пайтда аъзо бўлганларнинг мақомига таъсир қилмаслиги лозим.

### 12-модда. Аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги сўров ва ариза бериш тартиби

1. Аъзоликка қабул қилиш тартиби ЎФФ Ижро қўмитаси томонидан маъқулланган алоҳида регламент билан тартибга солинади.

2. Ижро кўмитаси Конференцияда аризачини қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисидаги таклифни ўртага ташлайди. Аризачи Конференцияда кўриб чиқиш учун ариза бериш сабабларини кўрсатиши мумкин.

3. Янги аъзо аъзоликка қабул қилинган пайдан бошлаб ЎФФ аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади. Унинг делегатлари шундан сўнг дарҳол овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлади.

### **13-модда. Аъзоларнинг ҳуқуқлари**

1. ЎФФ аъзолари куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ЎФФ Конференциясида кун тартиби билан таништирилган, белгиланган муддатда унда иштирок этиш учун чақирилган ҳолда қатнашиш;

б) Конференция кун тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритиш;

в) ЎФФнинг барча органларига сайлаш учун номзодлар кўрсатиш;

г) ЎФФ расмий органларидан ЎФФ ишлари тўғрисида маълумот олиш;

д) ЎФФ томонидан ташкил қилинадиган мусобақалар ва/ёки бошқа спорт тадбирларида иштирок этиш;

е) ЎФФ Устави ва Регламентидан келиб чиқувчи қолган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш.

2. Ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш мазкур Устав қоидалари ва тегишли регламентлар билан келишиб олинади.

### **14-модда. Аъзоларнинг мажбуриятлари**

1. ЎФФ аъзолари куйидаги мажбуриятларга эга:

а) доимо ФИФА, ОФК ва ЎФФ Устави, регламенти, директивалари ва қарорларига тўла мувофиқликда ҳаракат қилиш ва ўз аъзоларининг уларга риоя қилишини таъминлаш;

б) ўзининг қарор қилувчи органларига сайловларни амалга ошириш;

в) ЎФФ томонидан ташкил қилинадиган мусобақалар ва бошқа спорт тадбирларида қатнашиш;

г) аъзолик бадаллари тўлаш;

д) ФУХК (IFAB) томонидан баён қилинган ўйин Қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уставдаги алоҳида қоидалар воситасида ўз аъзоларининг ушбу қоидаларга риоя қилишини таъминлаш;

е) ўз Уставида арбитражни талаб қилувчи ва аъзонинг ўзи ёки аъзолардан бирига тегишли ва ФИФА, ОФК, ЎФФ ёки Лига Устави, регламенти ва қарорлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мунозаралар тўлиқ ФИФА, ОФК, ёки ЎФФ Арбитраж трибунали юрисдикцияси остида бўлиши ҳамда ҳар қандай судга мурожаат қилишлар тақиқланиши тўғрисидаги бандни қабул қилиши лозим;

ж) ЎФФга ўз Устави ва регламентларидаги ҳар қандай ўзгаришлар, учинчи томон билан юридик кучга эга шартномаларни имзолаш ҳуқуқига эга расмий шахслар рўйхати тўғрисида хабар бериш;

з) тан олинмаган ташкилотлар ёки вақтинча ихтисосликдан маҳрум қилинган (дисквалификация) ёки чиқарилган аъзолар спорт тусидаги ҳеч қандай алоқаларни ўрнатмаслик;

и) Уставга тегишли бандларни киритиш орқали ҳолислик, дахлсизлик ва «Фэйр плэй» намоён бўлиши сифатида яхши спорт ахлоқи тамойилларига амал қилиш;

й) ўз аъзолигининг бутун даврий мобайнида 11-модда 3- параграф билан белгиланган мажбурий бандларга риоя қилиш;

к) аъзоликнинг доимий ва янгиладиган ҳисобини юритиш;

л) ЎФФ, унинг аъзолари, раҳбарияти ва ҳаракатлари юзасидан адолатсиз оммавий танқид билан чиқмаслик;

м) Устав ва ФИФА, ОФК ва ЎФФнинг бошқа тартибга солувчи ҳужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларга тўлиқ риоя қилиш.

2. Юқоридаги мажбуриятларнинг ҳар қандай аъзо томонидан бузилиши мазкур Уставд кўзда тутилган санкциялар қўлланишига олиб келиши мумкин.

### **15-модда. Вақтинча чиқариш**

1. Конференция ҳар қандай Аъзони вақтинча чиқариш учун масъул ҳисобланади. Бирок Ижро кўмитаси ҳам ўз аъзолик мажбуриятларини жиддий равишда ва бир неча марта бузган



Аъзони вақтинча чиқариши мумкин. Вақтинча чиқариш, агар Ижро кўмитаси уни ўз вақтида бекор қилмаса, навбатдаги Конференциягача давом этиши мумкин.

2. Вақтинча чиқариш кейинги Конференция томонидан учдан икки қисм овоз билан тасдиқланиши лозим. Агар овоз беришда бундай кўпчилик овоз йиғилмаса, вақтинча чиқариш ўз ўзидан бекор бўлади.

3. Вақтинча чиқарилган ходим ўзининг аъзолик ҳуқуқларини йўқотади. Бошқа аъзолар вақтинча чиқарилган аъзо билан спорт алоқаларида бўлмайдилар. Интизомий Кўмита кўшимча жазо чоралари белгилаши мумкин.

4. ЎФФ спорт тадбирларида кетма-кет 3 йил қатнашмаган аъзолар Конференцияда овоз бериш ҳуқуқини йўқотади, улар ушбу жиҳатдан мажбуриятларини бажармагунга қадар уларнинг вакиллари сайланиш ёки тайинланиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

#### **16-модда. Чиқариш**

1. Конференция куйидаги ҳолларда аъзони чиқаришга ҳақли, агар у:

а) ЎФФга оид молиявий мажбуриятларини бажара олмаса;

б) ФИФА, ОФК ва ЎФФ Устави, регламенти, директивалари ва қарорларини жиддий равишда бузса;

в) ўз худудида худудий футбол федерацияси реал макomini йўқотган бўлса.

2. Чиқариш ҳақиқий деб тан олинishi учун конгрессда овоз бериш ҳуқуқига эга аъзоларнинг мутлақ кўпчилик овози (50% +1) талаб қилинади, чиқариш тўғрисидаги қарор эса умумий овоз берувчилар сонининг тўртдан уч қисм кўпчилиги томонидан маъқулланиши лозим.

#### **17-модда. Истеъфо**

1. ЎФФнинг аъзо истеъфоси тўғрисидаги қарори календар йили охиридан кучга кирази. Истеъфо тўғрисидаги хабарнома Бош котибият томонидан календар йили якунланишидан камида 6 ой олдин олинishi лозим.

2. Истеъфога чиқиш ниятида бўлган аъзо ўзининг ЎФФ ва ЎФФнинг бошқа аъзоларига нисбатан мажбуриятларини бажармагунга қадар истеъфо ҳақиқий ҳисобланмайди.

#### **18-модда. Клублар, Ўзбекистон Профессинал футбол Лигаси, худудий федерациялар ва бошқа ЎФФ аъзоларининг мақоми**

1. Клублар, Ўзбекистон Профессинал футбол Лигаси, худудий федерациялар ва бошқа ЎФФ аъзолари ЎФФга бўйсиниши ва у томонидан тан олинishi шарт. Мазкур Устав ЎФФнинг барча аъзолари жавобгарлик соҳаси, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Уларнинг Уставлари ва регламентлари ЎФФ Ижро кўмитаси томонидан маъқулланиши даркор.

2. ЎФФ аъзолари ва уларнинг гуруҳлари уларнинг аъзолиги билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича исталган қарорларни, ташқи органлардан мустақил равишда, қабул қилиши зарур. Ушбу вазиятнинг уларнинг ташкилий тузилмасидан қатъий назар амал қилади.

3. Ҳар қандай ҳолатда ҳеч қандай жисмоний ёки юридик шахслар (жумладан холдинг компаниялари ёки шўъба корхоналари), агар бу ҳам алоҳида матч, ҳам бирон-бир турнир яхлитлигига таҳдид солса, ЎФФнинг биттадан ортиқ аъзоси устидан назоратни амалга ошира олмайдилар.

### **III. ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТ ВА ФАХРИЙ АЪЗОЛАР**

#### **19-модда. Фахрий президент ва Фахрий аъзо**

1. Конференция футбол соҳасидаги юксак хизматлари учун ҳар қандай шахсга Фахрий президент ва Фахрий аъзо унвонини бериши мумкин.

2. Ижро кўмитаси номзодларни илгари суриши керак.

3. Фахрий президент ва Фахрий аъзо Конференцияда иштирок этиши мумкин. Улар мунозараларда қатнашиши мумкин, бироқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

## IV. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШ

### 20-модда. Органлар

1. Конференция олий қонун чиқарувчи орган ҳисобланади.
2. Ижро қўмитаси ижро этувчи орган ҳисобланади.
3. Доимий ва вақтинчалик қўмиталар Ижро қўмитасига унинг мажбуриятларини бажаришда кўмак ва маслаҳат ёрдами бериши лозим. Уларнинг мажбуриятлари, таркиби ва функциялари мазкур Устав ва/ёки Ижро қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган алоҳида регламентлар билан белгиланади.
4. Бош котибият маъмурий орган ҳисобланади.
5. Суд органлари Интизомий Қўмита ва Апелляция Қўмитаси ҳисобланади.
6. ЎФФ органлари ЎФФнинг ўзи томонидан, ҳеч қандай ташқи таъсирсиз ва мазкур Уставда белгиланган тартибларга мувофиқ сайланиши ёки тайинланиши лозим.

### А. Конференция

#### 21-модда. 21. Конференция таърифи ва таркиби

1. Конференция ЎФФнинг барча аъзолари мунтазам равишда тўпланадиган йиғилиш ҳисобланади. У ЎФФнинг олий ва қонунчилик инстанциясини ифода этади. Фақат мунтазам йиғиладиган Конференция қарорлар қабул қилиш ваколатига эга.
2. Конференция навбатдаги ва навбатдан ташқари бўлиши мумкин.
3. Президент Конференцияни уни юриштининг доимий тартибига мувофиқ олиб бориши лозим.
4. Конференция кузатувчиларни тайинлаши мумкин, улар Конференцияда мунозара юритиш ёки овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этадилар.
5. Фахрий президентлар ёки фахрий аъзолар Конференцияда иштирок этишлари мумкин. Улар мунозараларда иштирок этишлари мумкин, бироқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

#### 22-модда. Делегатлар ва овозлар

1. Конференция 80 делегатдан иборат. Делегатларнинг умумий сони қуйидагича тақсимланади :
  - а) ҳар битта ҳудудий федерациядан - 2 делегат;
  - б) Ўзбекистон Профессионал футбол Лигасидан - 1 делегат;
  - в) ҳар битта клубдан – 1 делегат;
  - г) Аёллар футбол уюшмасидан - 1 делегат;
  - д) Мини футбол уюшмасидан - 1 делегат;
  - е) Ўзбекистон аёллар футбол, аёллар мини-футбол (футзал) ва пляж футбол уюшмасидан - 1 делегат;
  - ж) Ўзбекистон Футбол фахрийлари кенгашидан - 1 делегат;
  - з) Ўзбекистон Футбол бўйича терма жамоалари марказидан - 1 делегат;
  - и) Республика футбол мураббийлари ва ҳакамлари мактабидан - 1 делегат;
  - к) Республика футбол бўйича олий спорт маҳорати мактабидан - 1 делегат;
  - л) Футбол клубларининг футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан - 1 делегат;
  - м) Футбол ишқибозлари клубидан - 1 делегат;
  - н) футболчилар гуруҳларидан - 1 делегат;
  - о) ҳакамлар гуруҳларидан - 1 делегат;
  - п) мураббийлар гуруҳларидан - 1 делегат;
  - р) ЎФФ аъзо бўлган бошқа ҳар қандай ташкилотдан - 1 делегат.
2. Делегатлар улар ифода этаётган аъзога тегишли бўлиши ва ушбу аъзонинг тегишли органи томонидан тайинланиши ёки сайланиши лозим. Улар тегишли тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши лозим.
3. Барча делегатлар Конференцияда тенг овоз бериш ҳуқуқларига эга. Фақат Конференцияда иштирок этувчи делегатлар овоз бериш ҳуқуқига эга. Ишончнома ёки хат бўйича овоз бериш ман этилади.
4. Ижро қўмитаси ва Бош котиб Конференцияда овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши лозим. Ижро қўмитаси аъзолари улар ушбу вазифада ўз мажбуриятларини ижро этаётган даврда ўз Федерацияларидан делегат сифатида тайинланиши мумкин эмас.

### **23-модда. Ваколатлар**

1. Конференция қўйидаги ваколатларга эга:
  - а) Устав, Устав ижросини бошқарувчи Регламентлар ва Конференциянинг доимий ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш;
  - б) сўнги йиғилиш баённомаларини тасдиқлаш учун уч аъзони тайинлаш;
  - в) Президент ва Вице-президентлар ҳамда Ижро қўмитаси аъзоларини сайлаш;
  - г) Ҳисоблаш комиссияси аъзоларини тайинлаш;
  - д) молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш;
  - е) бюджетларни тасдиқлаш;
  - ж) Президентнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
  - з) Ижро қўмитасининг таклифи бўйича мустақил аудиторларни тайинлаш;
  - и) аъзолик бадалларини ўрнатиш;
  - к) Ижро қўмитаси номинациялари бўйича, Фахрий президент ва Фахрий аъзо унвонини бериш бўйича қарорлар қабул қилиш;
  - л) аъзоларни қабул қилиш, вақтинча чиқариш ёки истеъфога жўнатиш;
  - м) ЎФФ органларидан бир аъзо ёки аъзолар гуруҳи мандатини чақириб олиш;
  - н) ЎФФни тарқатиб юбориш;
  - о) аъзонинг таклифи бўйича мазкур Уставга мувофиқ қарорлар қабул қилиш.

### **24-модда. Конференция Кворуми**

1. Конференция томонидан қабул қилинадиган қарорлар улар овоз бериш ҳуқуқига аъзоларнинг мутлақ кўпчилиги (50% +1) иштирокида қабул қилинсагина ҳақиқий ҳисобланади.
2. Агар кворум йиғилмаса, иккинчи Конференция биринчидан 24 соатдан сўнг, худди шундай кун тартиби билан чақирилиши лозим.
3. Агар кун тартибидаги бандлардан бири ЎФФ Уставига ўзгартириш киритиш, Президент ёки Вице-президентлар ёки Ижро қўмитаси аъзоларини сайлаш, ЎФФ органларидан бирининг бир ёки бир нечта аъзосини тарқатиб юбориш, ЎФФ аъзосини чиқариш ёки ЎФФни тарқатиб юборишни кўзда тутмаса, иккинчи йиғилиш учун кворум талаб қилинмайди.

### **25-модда. Конференция қарорлари**

1. Агар Уставда бунинг акси кўзда тутилмаган бўлса, овоз бериш натижаларини ҳақиқий деб тан олиш учун аъзоларнинг оддий кўпчилик овози етарли ҳисобланади. Оддий санаш йўли билан аниқланган ҳақиқий овозлар сонини кўпчилик белгилайди. Овозларни санашда бузилган ёки тўлдирилмаган бланкалар ҳисобга олинмайди.
2. Овоз бериш қўл кўтариш йўли билан ёки электрон табло ёрдамида амалга оширилади. Агар қўл кўтариш кимнингдир фойдасига соф кўпчиликни аниқлаш имконини бермаса, овоз бериш лавозимларни алифбо тартибида чақириш йўли билан ўтказилади.

### **26-модда. Сайловлар**

1. Сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.
2. Шахсни сайланган деб ҳисоблаш учун биринчи овоз беришда ҳақиқий ва рўйхатга олинган овозларнинг мутлақ кўпчилик (59%+1) сони талаб қилинади. Иккинчи ва бошқа ҳар қандай зарур овоз беришда рўйхатга олинган овозларнинг оддий кўпчилиги етарлидир.
3. Агар битта лавозимга иккитадан ортиқ номзод бўлса, фақат иккита номзод қолиши учун уларнинг кам овоз тўплагани иккинчи овоз беришдан четлаштирилади.

### **27-модда. Навбатдаги Конференция**

1. Навбатдаги конференция ҳар йили ўтказилади.
2. Ижро қўмитаси навбатдаги Конференцияни ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди. Конференция аъзолари камида олти (6) ҳафта олдин ёзма равишда хабардор қилиниши лозим.
3. Расмий чақириш ёзма шаклда, Конференция бошланиш санасидан камида 2 ой олдин амалга оширилади. Мазкур чақириқ кун тартиби, Президентнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, молиявий ҳисобот, аудитор ҳисоботи, бошқа тегишли ҳужжатлардан иборат бўлиши зарур.

### **28-модда. Навбатдаги Конференция кун тартиби**

1. Бош котиб Ижро қўмитаси ва Конференция аъзоларининг таклифлари асосида кун тартибини тузади. Аъзо Конференцияга олиб чиқмоқчи бўлган ҳар қандай таклиф ёзма шаклда, қисқача тушунтириш билан, Конференция бошланадиган санадан камида тўрт (4) кун олдин Бош Котибиятга тақдим этилиши шарт.

2. Конференция кун тартиби қуйидаги мажбурий бандларни ўз ичига олиши даркор:

а) Конференция ЎФФ Уставига мувофиқ чақирилгани ва тузилгани баёноти;

б) кун тартибини тасдиқлаш;

в) Президент мурожаати;

г) йиғилиш баённомасини текшириш учун Конференция аъзоларини тайинлаш;

д) ҳисоблаш комиссияси аъзоларини (сайловлар натижалари тўғрилигини текширувчи) тайинлаш;

е) олдинги Конференция баённомасини тасдиқлаш;

ж) бажарилган ишлар (жумладан ўтган Конференциядан буён амалга оширилган фаолият) тўғрисидаги Президент ҳисоботи;

з) жамланган ва тафтиш қилинган бухгалтерия баланси, шунингдек даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш;

и) молиявий ҳисоботни тасдиқлаш;

к) бюджетни тасдиқлаш;

л) аъзоликка қабул қилиш (заруратга кўра);

м) Уставга, Уставнинг қўлланиши ва Конференцияни юритиш жараёнини тартибга солувчи регламентларга ўзгартиришлар киритишга доир таклифлар бўйича овоз бериш (заруратга кўра);

н) Конференция ва Ижро қўмитаси аъзолари томонидан тақдим этилган таклифларни муҳокама қилиш;

о) Ижро қўмитасининг таклифи бўйича мустақил аудиторларни тайинлаш (заруратга кўра);

п) шахсни истеъфога чиқариш ёки органни тарқатиб юбориш (заруратга кўра);

р) Президент, Вице-президентлар ва Ижро қўмитаси аъзоларини сайлаш;

с) ЎФФ аъзолари ёки Ижро қўмитаси томонидан таклиф этилган ҳар қандай қўшимча саволлар.

3. Конференция кун тартиби, агар Конференцияда иштирок этаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзоларнинг тўртдан уч қисми бунга рози бўлса, ўзгартирилиши мумкин.

4. Конференция кун тартибига киритилмаган ҳар қандай масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас.

### **29-модда. Навбатдан ташқари Конференция**

1. Ижро қўмитаси исталган пайтда навбатдан ташқари конференцияни ўтказиши мумкин.

2. Ижро қўмитаси, агар ЎФФнинг барча аъзолари бешдан бир қисми ёзма равишда талаб қилса, навбатдан ташқари Конференция ўтказишни белгилаши лозим. Навбатдан ташқари Конференцияни ўтказиш тўғрисидаги илтимос унинг кун тартиби бандларини белгилаши лозим. Навбатдан ташқари Конференция уни ўтказиш тўғрисидаги ёзма илтимоснома олинган пайтдан бошлаб уч ой мобайнида ўтказилиши лозим. Агар навбатдан ташқари Конференция чақирилмаса, унинг ўтказилишини талаб қилган аъзолари Конференцияни ўзлари чақиришлари мумкин. Аъзолар сўнги чора сифатида ФИФАдан ёрдам сўрашлари мумкин.

3. Аъзолар навбатдан ташқари Конференцияни ўтказиш жойи, санаси ва кун тартиби тўғрисида уни ўтказиш санасидан камида 1 ой олдин хабардор қилиниши лозим.

4. Навбатдан ташқари Конференция Ижро қўмитаси ташаббусига кўра чақирилган ҳолда кун тартибини у тузиши лозим. Навбатдан ташқари Конференция аъзоларнинг илтимосига кўра чақирилган ҳолда кун тартибига ушбу аъзолар томонидан кўтариб чиқилган масалалар киритилиши лозим.

5. Навбатдан ташқари Конференциянинг кун тартиби ўзгартирилиши мумкин эмас.

### **30-модда. Уставни ўзгартириш**

1. Конференция Уставга (зарур ҳолларда Уставни қўллаш бўйича Регламент ва Конференцияни юритишнинг доимий тартибига) ўзгартириш киритиш учун масъул.

2. Уставга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ҳар қандай таклифлар аъзолар ёки Ижро қўмитаси томонидан ёзма шаклда қисқача тушунтиришлар билан Бош Котибиятга тақдим этилади.

Аъзо томонидан киритилган таклиф, уни камида битта (1) бошқа аъзо ёзма равишда қўллаб-қувватлаган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

3. Уставга ўзгартириш киритиш бўйича овоз бериш ҳақиқий деб тан олинishi учун унда овоз бериш ҳуқуқига эга делегатларнинг мутлақ кўпчилиги (50% +1) иштирок этиши лозим.

4. Уставга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф, унга овоз бериш ҳуқуқига эга делегатларнинг тўртдан уч қисми рози бўлган тақдирдагина, қабул қилинади.

5. Уставни қўллаш бўйича Регламент ва Конференцияни юритишнинг доимий тартибига ўзгартириш тўғрисидаги ҳар қандай таклиф аъзолар ёки Ижро қўмитаси томонидан ёзма шаклда кискача тушунтиришлар билан Бош Котибиятга тақдим этилиши лозим.

6. Уставни қўллаш бўйича Регламент ва Конференцияни юритишнинг доимий тартибига ўзгартириш тўғрисидаги таклиф, иштирок этувчилар ва овоз бериш ҳуқуқига эга делегатларнинг оддий кўпчилиги уни маъқуллаб овоз берган ҳолда қабул қилинган ҳисобланади.

### **31-модда. Конференция баённомаси**

1. Бош котиб Конференция баённомасини юритиш учун жавобгар ҳисобланади. Баённома ушбу мақсад учун тайинланган делегатлар томонидан текширилади ва навбатдаги Конференцияда яқуний тасдиқланади.

### **32-модда. Қарорларнинг кучга кириш санаси**

1. Конференция томонидан қабул қилинган қарорлар аъзолар учун, агар Конференция қарорлар кучга киришининг бошқа санасини белгиламаса, Конференция ёпилганидан сўнг 30 кун ўтгач кучга киради.

## **Б. Ижро қўмитаси**

### **33-модда. Таркиби**

1. Ижро қўмитаси 11 аъздан иборат:

- а) Президент - 1;
- б) Биринчи Вице-президент - 1;
- в) Иккинчи Вице-президент - 1;
- г) расмий аъзолар - 8.

2. Президент, Вице-президентлар ва Ижро қўмитаси аъзолари Конференция томонидан сайланади. Ижро қўмитаси аъзоларини сайлашда ҳар бир номзод камида битта делегат билан ифодаланиши зарур.

3. Президент, Вице-президентлар ва Ижро қўмитаси аъзоларининг ваколатлари муддати – тўрт йил. Улар навбатдаги муддатларга қайта сайланиши мумкин.

4. Ижро қўмитаси аъзоларининг ёши 25 дан кам бўлмаслиги. Улар олдин футбол фаолияти билан шуғулланган, жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлиши, ва Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиши шарт.

5. Номзодлар ЎФФ Бош Котибиятига тақдим этилиши лозим. Номзодларнинг расмий рўйхати ЎФФ аъзоларига Ижро қўмитаси сайланадиган Конференция кун тартиби билан бирга топширилиши даркор.

6. Ижро қўмитаси аъзоси айна пйтда ЎФФ Суд органи аъзоси бўлиши мумкин эмас.

7. Агар жой вакант бўлиб қолаётган бўлса, Ижро қўмитаси ушбу бўш ўринни навбатдаги Конференциягача тўлдириши керак. Навбатдаги Конференцияда ушбу аъзо навбатдаги ваколатлар муддатига сайланади.

### **34-модда. Йиғилишлар**

1. Ижро қўмитаси бир йилда камида икки марта тўпланиши лозим.

2. Президент Ижро қўмитаси йиғилишини чақиради. Агар Ижро қўмитаси аъзоларининг учдан икки (2/3) қисми Ижро қўмитаси чақирилишини талаб қилса, Президент уни 21 кун ичида чақиритиши зарур.

3. Президент кун тартибини тузади. Ижро қўмитасининг ҳар бир аъзоси кун тартибига киритиш учун масалаларни таклиф қилишга ҳақли. Ижро қўмитаси аъзолари ўзлари йиғилиш кун тартибига киритишни истаган бандларни Бош Котибиятга йиғилиш бошланишидан камида етти (7) кун олдин тақдим этиши шарт. Кун тартиби Ижро қўмитаси аъзоларига йиғилиш бошланишидан камида беш (5) кун олдин тақдим этиши даркор.

4. Бош котиб Ижро қўмитаси йиғилишларида маслаҳатчи сифатида иштирок этади.

5. Ижро қўмитаси йиғилишлари ёпиқ тартибда ўтказилади. Бироқ Ижро қўмитаси учинчи томонларни йиғилишда иштирок этиш учун таклиф қилиши мумкин. Бундай учинчи томонлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди ва ўз фикрларини фақат Ижро қўмитасининг рухсати билан ифодалашлари мумкин.

### **35-модда. Ижро қўмитаси ваколатлари**

1. Ижро қўмитаси:

а) Конференция ваколатлари соҳасига кирмайдиган ёки конун ёки мазкур Уставга мувофиқ бошқа органларга берилмаган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

б) ЎФФнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари Конференциясни тайёрлайди ва чақиради;

в) доимий қўмиталарнинг раис, раис ўринбосари ва аъзоларини тайинлайди;

г) суд органларининг раис, раис ўринбосари ва аъзоларини тайинлайди;

д) зарур ҳолларда муваққат қўмитани тайинлаш тўғрисида исталган пайтда қарор қабул қилиши мумкин;

е) доимий ва муваққат қўмиталарни ташкиллаштириш тўғрисида регламентлар тузади;

ж) Президентнинг таклифи бўйича Бош котибни тайинлайди ёки истеъфога чиқаради. Бош котиб лавозими бўйича барча қўмиталарнинг йиғилишларида иштирок этади;

з) Конференцияга мустақил аудиторларни таклиф қилади;

и) ЎФФ мусобақаларини ўтказиш жойи, санаси ва иштирокчи командалар сонини белгилайди;

к) терма жамоалар мураббийлари ва бошқа техник ходимларни тайинлайди;

л) ЎФФ ишқи ташкилий тузилмаси регламентларини тасдиқлайди;

м) Устав ижроси ва унинг уни қўллаш учун ижро чораларига мувофиқлигини таъминлайди;

н) шахсни истеъфога чиқариши ёки органни тарқатиб юбориши ёки ЎФФ аъзосини навбатдаги Конференциягача вақтинча четлаштириши мумкин;

о) ўз масъулияти соҳасидаги вазифаларни ЎФФнинг бошқа органлари ва учинчи томонларга топшириши мумкин.

### **36-модда. Қарорлар**

1. Ижро қўмитаси, агар йиғилишда унинг аъзоларининг мутлақ кўпчилиги иштирок этмаётган бўлса, жиддий муҳокамаларни бошлай олмайди.

2. Ижро қўмитаси йиғилишда унинг аъзоларининг камида олти (6) нафари иштирок этган ҳолдагина қарор қабул қилади. Овозлар сони тенг келган ҳолда, ҳал қилувчи овозга эга бўлади. Ишончнома ёки хат бўйича овоз бериш тақиқланади.

3. Агар манфаатлар тўқнашуви хавфи ёки эҳтимоли мавжуд бўлса, Ижро қўмитасининг исталган аъзоси муҳокама ва қарор қабул қилишдан четлаштирилиши лозим.

4. Қабул қилинадиган қарорлар баённомада акс эттирилиши керак.

5. Агар Ижро қўмитаси бошқача қарорга келмаса, Ижро қўмитасининг қарорлари зудлик билан кучга киради.

### **37-модда. Шахснинг истеъфоси ёки органнинг тарқатиб юборилиши**

1. Конференция шахсни истеъфога чиқариш ёки органни тарқатиб юборишга ҳақли. Ижро қўмитаси Конференция кун тартибига шахсни истеъфога чиқариш ёки органни тарқатиб юбориш масаласини киритиши мумкин. Шунингдек, Ижро қўмитаси вақтинча шахсни истеъфога чиқариш ёки органни тарқатиб юбориши мумкин. Ижро қўмитасининг ҳар битта аъзоси шахсни истеъфога чиқариш ёки органни тарқатиб юбориш тўғрисидаги масалани Ижро қўмитаси ёки Конференция кун тартибига киритиш учун таклиф қилиши мумкин.

2. Истеъфо тўғрисидаги масала қонуний тасдиқланиши зарур. У ЎФФнинг барча аъзоларига кун тартиби билан бирга жўнатилади.

3. Аъзоликдан маҳрум этилиши лозим бўлган шахс ёки орган ўзини ҳимоя қилиш учун сўзга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Истеъфога чиқиш ёки тарқатиб юбориш масаласи бўйича Конференция ёки Ижро қўмитаси яширин овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади. Ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш учун мавжуд овозлар 2/3 нинг кўпчилиги талаб қилинади.

5. Аъзоликдан маҳрум қилинган шахс ёки орган, бундай қарор чиқарилган пайтдан бошлаб, шу заҳоти ўз ваколатларидан озод қилинишлари шарт.

## В. Президент

### 38-модда. Президент

1. Президент ЎФФ ни расмий томондан ифодалайди.
2. У қуйидагиларга жавоб беради:
  - а) Бош Котибият ёрдамида Конференция ёки Ижро қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш;
  - б) мазкур Устав мақсадларига эришиш ва вазифаларини бажариш учун ЎФФ барча органларининг самарали фаолият кўрсатишини;
  - в) у назорат қиладиган Бош котибият ишини;
  - г) ЎФФ билан унинг аъзолари, ФИФА, ОФК, сиёсий идоралар ва бошқа ташкилотлари орасидаги алоқаларни таъминлаш.
3. Фақат Президент Бош котибни тайинлаш ёки истеъфога чиқаришни таклиф қилиши мумкин.
4. Президент Конференцияда, Ижро қўмитасида ва Ижро қўмитасининг бюросида, ҳамда у раиси этиб тайинланган қўмиталарда раислик қилиши даркор.
5. Президент Ижро қўмитасининг йиғилишларида оддий овозга эга, овозлар тенг бўлган ҳолларда эса, у ҳал қилувчи овозга эга.
6. Агар Президент йиғилишда бўлмаса ёки унда қатнашиш имкониятига эга бўлмаса, уни Биринчи вице-президент ифодалайди.
7. Президентнинг ҳар қандай қўшимча функционал мажбуриятлари ЎФФ нинг ички меъёрий ҳужжатларида кўрсатилиши керак.

### 39-модда. Президент лавозимига номзодлар

1. Президент Конференция томонидан 4 (тўрт) йил муддатга сайланиши лозим. Унинг ваколатлари муддати, уни сайлаган Конференция тугаганидан кейин бошланади, деб ҳисоблаш зарур. Президент кейинги муддатга қайта сайланиши мумкин.
2. Президентни сайлаш учун биринчи овоз беришда мавжуд овозлар 2/3 нинг ва қайд қилинган овозларнинг кўпчилиги талаб қилинади. Иккинчи ва кейинги ҳар қандай овоз беришларда қайд қилинган овозларнинг оддий кўпчилиги (50%+1) етарли ҳисобланади. Икки номзодлардан кўпи мавжуд бўлган ҳолда, энг кам овоз тўплаган номзод, иккинчи овоз беришда иштирок этишдан, иккита номзод қолмагунича, четлаштирилади.
3. Фақат ЎФФ аъзолари президент лавозимига номзодларни таклиф қилишлари мумкин. Аъзолар Бош котибиятни, ЎФФ Президенти лавозимига номзодлар тўғрисида ёзма шаклда, Конференция бошланишидан энг камида 4 (тўрт) ҳафта илгари хабар беришлари зарур.
4. Бош котиб Аъзоларга, таклиф қилинган аъзоларининг исми-шарифларини, Конференция бошланишидан камида 2 (икки) ҳафта илгари хабар беришлари шарт.
5. Агар Президент ўз вазифаларини вақтинча бажариш имкониятига эга бўлмаса, Биринчи Вице-президент уни кейинги Конференциягача ифодалаши даркор. Ушбу Конференция, агар зарур бўлса, янги Президентни сайлаши керак.

### 40 модда. Вакиллик ва имзо.

1. Президент ЎФФ ни расмий томондан ифодалайди ва ЎФФ номидан имзолаш ҳуқуқига эга. Ижро қўмитаси расмий шахсларнинг биргаликдаги имзосига доир, жумладан, Президент йўқлиги ҳолатларида ва ЎФФ учун барча муҳим масалаларида ички ташкилий регламентни ўрнатиши мумкин.

## Г. Ижро қўмитасининг бюроси

### 41 модда. Ижро қўмитасининг бюроси

1. Ижро қўмитаси бюроси, ижро қўмитасининг йиғилишлари орасидаги даврда, кечиктириб бўлмайдиган қарорларни талаб қиладиган барча масалаларни ҳал қилиши лозим. Бюро ЎФФ нинг Президенти, вице президентлари, ҳамда Ижро қўмитаси томонидан 4 (тўрт) йил муддатга тайинланадиган, Ижро қўмитаси аъзолари таркибидан бўлган иккита аъзодан ташкил топган.
2. Ижро қўмитаси бюросининг йиғилишлари Президент томонидан чақиртирилади. Агар йиғилишлар зарур вақт давомида чақиртиришнинг имкони бўлмаса, қарорлар алоқанинг турли

воситалари ёрдамида, сўров йўли билан қабул қилинишлари мумкин. Бундай қарорлар дарҳол кучга киради. Президент кечиктирмасдан Ижро қўмитасини Ижро қўмитаси бюроси томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида хабардор қилиши зарур.

3. Ижро қўмитаси бюроси томонидан қабул қилинган барча қарорлар Ижро қўмитаси томонидан кейинги йиғилишда маъқулланган бўлиши шарт.

4. Агар Президент Бюросида иштирок этиш имкониятига эга бўлмаса, унинг вазифасини вақтинча Биринчи вице президент бажаради.

## **Д. Доимий қўмиталар**

### **42 модда. Доимий қўмиталар**

1. ЎФФ нинг Доимий қўмиталари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- а) Молиявий қўмита
- б) Ички аудит қўмитаси
- в) ЎФФ мусобақаларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитаси
- г) Техник қўмита
- д) Суд-нозирлик қўмитаси
- е) Ҳуқуқий қўмита
- ж) Аёллар футболу бўйича қўмита
- з) Болалар ва ўсмирлар футболу бўйича қўмита
- и) Футзал қўмитаси
- к) Спорт тиббиёти қўмитаси;
- л) Футболчилар мақоми ва уларни ўтказиш бўйича қўмита
- м) Ахлоқ ва “Фэйр плей” бўйича қўмита
- н) Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича қўмита
- о) Футбол қўмитаси
- п) стратегик тадқиқотлар қўмитаси
- р) Маркетинг ва телевизион ҳуқуқлар масалалри бўйича Маслаҳат кенгаши

2. Доимий қўмиталарнинг раислари ва раис ўринбосарлари, Ижро қўмитаси аъзолари таркибига киришлари даркор, Ички аудит бўйича қўмитадан ташқари, унинг раиси ва раис ўринбосари Ижро қўмитаси аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги сабабли. Барча доимий қўмиталарнинг аъзолари Ижро қўмитаси томонидан, ЎФФ аъзолари ва ЎФФ Президентининг таклифлари бўйича тайинланадилар. Доимий қўмиталарнинг раислари, раис ўринбосарлари ва аъзолари 4 (тўрт) йил муддатга тайинланадилар.

3. Ҳар бир раис ўз қўмитасини ифодалаши ва унинг ишларини Ижро қўмитаси томонидан тузилган, ташкилий регламентларга мувофиқ юритишлари керак.

4. Ҳар бир раис ўз қўмитаси йиғилишларининг кунини, уни Бош котиб билан дастлабки тарзда мувофиқлаштириб, ҳамда барча масалалар келишилганига ва уларнинг қарорлари кейинчалик Ижро қўмитасига хабар берилганига ишонч ҳосил қилиб, тайинлайдилар.

5. Ҳар бир қўмита Ижро қўмитасининг муҳокамасига, ўз регламентига ўзгартиришларни таклиф қилиши мумкин.

### **43 модда. Молиявий қўмита**

1. Молиявий қўмита ЎФФ молиясини бошқарилишини кузатади ва Ижро қўмитасига молиявий масалалар ва активларни бошқариш бўйича тавсиялар беради. У ЎФФ бюджетини ва Бош котиб тақдим қиладиган молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиши, ҳамда уларни Ижро қўмитасига тасдиқлаш учун топшириши лозим. У камида 3 ва кўпи билан 7 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

### **44 модда. Ички аудит бўйича қўмита**

1. ЎФФ нинг Ички аудит бўйича қўмитаси Конференция томонидан ЎФФ аъзолари таркибидан, Конференцияда белгиланган миқдорда, 4 йил муддатга сайланади.

2. ЎФФ нинг Ички аудит бўйича қўмитаси, агар унинг йиғилишида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, қарорлар қабул қилишга ҳақлидир. Қарор иштирок этувчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3. ЎФФ нинг Ички аудит бўйича қўмитаси ЎФФ нинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини, моддий бойликларининг ҳолати ва ҳисобини назорат қилади.



4. Ички аудит бўйича кўмита аъзоси ЎФФ нинг бошқа сайланадиган органлари таркибига кириши мумкин эмас.

#### **45 модда. ЎФФ нинг мусобақаларини ўтказиш бўйича Ташкилий кўмита**

1. ЎФФ нинг мусобақаларини ўтказиш бўйича Ташкилий кўмита ЎФФ нинг мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш билан, мазкур Устав ва мусобақалар ўтказилишига қўлланиладиган, ЎФФ нинг регламентларига мувофиқ, шуғулланиши зарур. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **46 модда. Техник кўмита**

1. ЎФФ нинг Техник кўмитаси, биринчи навбатда, футболчилар тайёргарлигининг асосий томонлари ва техник ривожланишининг таҳлили билан шуғулланиши шарт. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **47 модда. Суд-нозирлик кўмитаси**

1. ЎФФ нинг суд нозирлик кўмитаси футбол ўйнаш Қоидаларига амал қилинишини кузатади. У ЎФФ нинг мусобақа матчларига хизмат кўрсатиш учун ҳакамларни тайинлайди, ЎФФ маъмурияти билан келишган ҳолда ЎФФ да ҳакамлик билан боғлиқ барча масалалар билан шуғулланади, ҳамда ҳакамларнинг таълими ва тайёргарлигини кузатади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **48 модда. Ҳуқуқий кўмита**

1. Ҳуқуқий кўмита футбол билан, ва ЎФФ нинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва аъзоларининг ўзгариши билан боғлиқ барча асосий ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилиши шарт. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **49 модда. Аёллар футболи бўйича кўмита**

1. Аёллар футболи бўйича кўмита аёллар футболи бўйича мусобақаларни ташкил қилади ва аёллар футболи билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **50 модда. Болалар ва ўсмирлар футболи бўйича кўмита**

1. Болалар ва ўсмирлар футболи бўйича кўмита ёш футболчилар орасида мусобақаларни ташкил қилади ва болалар ва ўсмирлар футболи билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **51 модда. Футзал бўйича кўмита**

1. Футзал бўйича кўмита футзал бўйича мусобақаларни ташкил қилади ва футзал билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **52 модда. Спорт тиббиёти бўйича кўмита**

1. ЎФФ нинг Спорт тиббиёти бўйича кўмита футболнинг барча тиббий томонлари билан шуғулланади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **53 модда. Футболчилар мақоми бўйича кўмита**

1. Футболчилар мақоми бўйича кўмита, футболчиларни ўтказиш регламентлари меъёрларини ўрнатишлари ва уларнинг бузилишларини ФИФА Регламенти асосида, футболчилар мақоми ва ўтказилиши бўйича кузатишлари, ҳамда ЎФФ нинг турли мусобақаларида иштирок этувчи футболчилар мақомини аниқлашлари шарт. Ижро кўмитаси, футболчиларнинг мақоми бўйича кўмитанинг ваколатлари ва юрисдикциясини белгиловчи алоҳида регламентларини

тузишлари мумкин. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

2. ЎФФ, унинг аъзолари, футболчилар, расмий шахслар матчлар ва футболчилар бўйича агентларга тааллуқли футболчилар мақоми масалалари бўйича мунозаралар, мазкур Уставга мувофиқ, Арбитраж трибунали томонидан муҳокама қилиниши даркор.

#### **54 модда. Ахлоқ ва “Фэйр плэй” бўйича қўмита**

1. Ахлоқ ва “Фэйр плэй” бўйича қўмита аёллар футболдаги одоб ва ахлоқ ҳамда “Фэйр плэй” принципларини тарғибот қилиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлади.

#### **55 модда. Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича қўмита**

1. Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича қўмита, мусобақалар ва ЎФФ томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларда оммавий ахборот вакиллари билан ишлаш шартлари, ҳамда мамлакат ичида ва чет элда медиа-тузилмалар билан алоқаларни сақлаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **56 модда. Футбол бўйича қўмита**

1. Футбол бўйича қўмита футбол билан боғлиқ барча умумий масалаларни, лекин биринчи навбатда, унинг тузилмасига, ва бундан ташқари клублар, Ўзбекистоннинг профессионал футбол Лигаси, аъзолари, ОФК ва ФИФА орасидаги алоқаларга тааллуқли масалаларни ҳал қилади. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **57 модда. Стратегик тадқиқотлар қўмитаси**

1. Стратегик тадқиқотлар қўмитаси, футболнинг бутунжаҳон тараққиёти ва унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақоми масалалари билан иш қўриши керак. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **58 модда. Маркетинг ва телевизион масалалар бўйича Маслаҳат кенгаши**

1. Маркетинг ва телевизион масалалар бўйича Маслаҳат кенгаши Ижро қўмитани, ЎФФ билан унинг маркетинг/телевизион ҳамкорлари орасидаги контракт битимларини тузиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар бериши, ҳамда маркетинг ва телевизион ҳуқуқлар соҳасида мавжуд дастурларни таҳлил қилиши лозим. У камида 3 ва кўпи билан 9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

#### **59 модда. Муваққат қўмиталар**

1. Ижро қўмитаси зарурият туғилганда, чекланган муддатга алоҳида ваколатларга эга бўлган муваққат қўмиталарни ташкил қилиши мумкин. Ижро қўмитаси ушбу қўмиталар раиси ва раис ўринбосарларини, ҳамда унинг аъзоларини тайинлайди.

### **Е. Бош котибият**

#### **60 модда. Бош котибият**

1. Бош котибият ЎФФ нинг бутун маъмурий ишларини Бош котиб бошчилигида амалга оширади. Бош котибият аъзолари ўз ишларида ЎФФ нинг ички ташкилий регламентга амал қиладилар ва ўзларининг мажбуриятларини аъло даражада бажаришга мажбурлар.

#### **61 модда Бош котиб**

1. Бош котиб Бош котибиятнинг ижроий раҳбари ҳисобланади.
2. У фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқларининг меъёрларига мувофиқ тузилган контрактга асосан тайинланади ва зарур бўлган касбий малакага эга бўлиши шарт.
3. У қуйидагилар учун жавоб беради:
  - а) Президент фармойишларига мувофиқ Конференция ва Ижро қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш;

- б) Конференция ва Ижро қўмитасининг, Ижро қўмитаси бюросининг йиғилишлари, ҳамда доимий ва муваққат қўмиталарининг йиғилишларида иштирок этиш;
  - в) Конференция ва Ижро қўмитаси ва бошқа органлар йиғилишларини ташкил қилиш
  - г) Конференция ва Ижро қўмитасининг, Ижро қўмитаси бюросининг, ҳамда доимий ва муваққат қўмиталарининг йиғилишлари баённомаларини тузиш;
  - д) ЎФФ молиявий ҳисобларини бошқариш ва бухгалтерлик ҳисобдорлигини имзолаш ҳуқуқи билан юритиш
  - е) ЎФФ нинг ёзишмалари;
  - ж) аъзолар, Қўмиталар, ФИФА ва ОФК билан алоқа қилиш;
  - з) Бош котибият ишини ташкил қилиш;
  - и) Бош котибият ходимларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш;
  - к) раҳбарлик даражасидаги ходимларнинг Президент тасдиғига таклиф қилиш;
  - л) ЎФФ нинг муҳрини сақлаш учун.
4. Бош котиб Конференция делегати ёки ЎФФ нинг ҳар қандай органи аъзоси бўлмаслиги мумкин.

## **Ж. Суд органлари**

### **62 модда. Суд органлари**

1. ЎФФ нинг суд органлари:
  - а) Интизомий қўмита
  - б) Апелляция қўмитаси
2. Ушбу органлар вазифалари ва мажбуриятлари, ФИФА Интизомий кодексига мувофиқ бўлган, ЎФФ нинг Интизомий кодекси билан белгиланиши даркор.
3. Суд органларининг ваколатлари ЎФФ нинг бошқа органлари ваколатларини, уларнинг қарорлар қабул қилиш соҳасини чекламайдилар.
4. Суд органларининг аъзолари бир вақтнинг ўзида ЎФФ нинг бошқа органлари аъзолари бўлиши мумкин эмас.

### **63 модда. Интизомий қўмита**

1. Интизомий қўмита раис, раис ўринбосари ва аъзоларининг керакли миқдоридан иборат бўлади. Раис ва раис ўринбосари малакали ҳуқуқшунослар бўлишлари керак.
2. Ушбу органнинг вазифалари ЎФФ нинг Интизомий кодекси билан бошқарилади. Қўмита фақат учта аъзо мавжудлигида қарор қабул қилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, раис ЎФФнинг Интизомий кодексига мувофиқ мустақил ҳал қилиши мумкин.
3. Қўмита мазкур Уставда ва ЎФФ нинг Интизомий кодексига баён этилган жарималарни, аъзолар, расмий шахслар, футболчилар, клублар ва агентларга солиши мумкин.
4. Унинг қарорлари Конференция ва Ижро қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади, агар гап аъзоларни вақтинча четлаштириш ва чиқариш ҳақида кетса.

### **64 модда. Апелляция қўмитаси**

1. Апелляция қўмитаси раис, раис ўринбосари ва аъзоларининг керакли миқдоридан иборат бўлади. Раис ва раис ўринбосари малакали ҳуқуқшунослар бўлишлари керак.
2. Ушбу органнинг вазифалари ЎФФ нинг Интизомий кодекси билан бошқарилади. Қўмита фақат учта аъзо мавжудлигида қарор қабул қилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, раис ЎФФнинг Интизомий кодексига мувофиқ мустақил ҳал қилиши мумкин.
3. Апелляция қўмитаси, ҳали охиригача эътироф этилмаган, Интизомий қўмитанинг қарорлари бўйича апелляцияларни муҳокама қилишлар учун жавоб беради.

### **65 модда. Интизомий чоралар**

1. Асосий интизомий чоралар:
  - 1.1. Жисмоний ва юридик шахслар учун:
    - а) огоҳлантириш
    - б) жарима
    - в) мукофотлардан маҳрум қилиш
  - 1.2. Жисмоний шахслар учун:
    - а) огоҳлантириш

- б) чиқариш
- в) матчда иштирок этишдан четлаштириш;
- г) кийим алмаштириш хонасида ва захиралар жойида бўлишни тақиқлаш;
- д) стадионга киришга рухсат этмаслик;
- е) футбол билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолиятда иштирок этишдан четлаштириш.

1.3. Юридик шахслар учун:

- а) футболчи ўтказилишини ман қилиш
- б) томошабинлар йўқлигида матчни ўтказиш
- в) холис ҳудудда матчни ўтказиш
- г) муайян стадионда матчлар ўтказилишини тақиқлаш
- д) матч натижаларини бекор қилиш
- е) чиқариш
- ж) мусодара қилиш;
- з) тўплаган очколарида маҳрум қилиш
- и) қуйи дивизионга ўтказиш.

### **66 модда. Арбитраж**

1. ЎФФ Арбитраж трибуналини таъсис этиши мумкин. Арбитраж трибунали, суд органларининг юрисдикцияси остига тушмайдиган ЎФФ билан унинг аъзолари, расмий шахслар, футболчилар ва агентлар орасида вужудга келадиган, ички низоли масалаларни ҳал қилиши лозим.

2. ЎФФ, ЎФФ билан суд органларининг юрисдикцияси остига тушмайдиган унинг аъзолари, расмий шахслар, футболчилар, ва агентлар орасида вужудга келадиган, миллий даражадаги ички низоли масалаларни ҳал қилиши лозим бўлган, Арбитраж трибуналини ташкил қилиши зарур. Ижро қўмитаси мазкур Арбитраж трибуналининг таркиби, юрисдикцияси ва процессуал меъёрлари ҳақидаги махсус Низомни тузиши шарт.

### **67 модда. Юрисдикция**

1. ЎФФ билан унинг аъзолари, футболчилар, расмий шахслар ва агентлар низоли масалаларни оддий судда муҳокама қилмасликлари даркор, мазкур Устав ФИФА Регламентида бошқача ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса. Ҳар қандай низоли масалалар ФИФА, ОФК ёки ЎФФ нинг юрисдикцияси остига ўтказилиши керак.

2. ЎФФ нинг юрисдикцияси остида миллий даражадаги барча ички низоли масалалар бўлади, жумладан: иккаласи ҳам ЎФФ га тегишли бўлган томонлар орасидаги низолар. ФИФА нинг юрисдикцияси остида барча халқаро масалалар бўйича низолар ҳам бўлади, жумладан: турли миллий федерацияларга ва/ёки континентал Конфедерацияларга тегишли бўлган томонлар орасидаги низолар.

### **68 модда. Спорт арбитражининг суди**

1. ФИФА Уставининг тегишли моддаларига мувофиқ, ФИФА нинг якуний қарорлари бўйича ҳар қандай апелляциялар Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги Спорт арбитражининг судида (CAS) муҳокама қилиниши лозим. Бироқ Спорт арбитражининг суди, футболни ўйнаш қоидаларининг бузилиши, камида тўртта матч ёки уч ой муддатга ихтисосликдан маҳрум қилиш (дисквалификация)га тааллуқли бўлган масалалар, ёки миллий федерация ва/ёки континентал Конфедерацияларнинг Арбитраж трибуналлари томонидан мустақил равишда ва лозим даражада қабул қилинган қарорлар бўйича апелляцияларни қабул қилмайди.

2. ЎФФ, ФИФА ёки Спорт арбитражининг суди қабул қилган барча якуний қарорлари билан, ўзининг ҳамда ўзининг аъзолари, футболчилар, расмий шахслар ва агентларининг тўлик розилигини таъминлаши зарур.

## **V. МОЛИЯ**

### **69 модда. Молиявий ҳисобот даври**

1. ЎФФ нинг молиявий-ҳисобот даври 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайдиган бир йил бўлиши шарт.

2. ЎФФ нинг даромадлари ва ҳаражатлари шундай тарзда юритилиши лозимки, унинг улар бўйича баланси молиявий-ҳисобот даври ўтганидан кейин, у билан мос келиши даркор. ЎФФ нинг асосий мабуриятлари захираларнинг мавжудлиги билан кафолатланиши керак.

3. Бош котиб ЎФФ ва унинг ҳисобдор ташкилотларнинг ҳар йиллик ҳисоботини тузиш учун жавобгар бўлади

4. ЎФФ фаолиятининг ҳаражатлари сметасининг лойиҳаси Ижро қўмитаси томонидан тасдиқланади.

#### **70 модда. Даромадлар**

1. ЎФФ қуйидаги даромад манбаларига эга:

- а) аъзолик бадаллари;
- б) ФИФА, ОФК ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан тўланадиган пул маблағлари;
- в) давлатдан тушган субсидиялар
- г) молиявий фаолиятдан, қимматли қоғозларни сотишдан, тадбиркорлик, маркетинг ва бошқа иқтисодий фаолиятлардан тушган даромадлар;
- д) пуллик хизматларни кўрсатишдан тушган маблағлар
- е) спорт лотереяларини ўтказишдан тушган маблағлар;
- ж) турли юридик шахслар ва алоҳида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан бўлган ихтиёрий бадаллар;
- з) фондлар маблағлари;
- и) спорт-томошабоп тадбирларини ўтказишдан тушган даромадлар
- к) реклама фаолияти
- л) ҳомийлик қўллаб-қувватлаш;
- м) ЎФФ нинг нишони ва бошқа белгиларидан фойдалангани учун корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари;
- н) ЎФФ асарларини сотишдан бўлган маблағлар
- о) қонунчиликка мувофиқ молиялашнинг бошқа манбалари.

#### **71 модда. Ҳаражатлар**

1. ЎФФ қуйидаги ҳаражатларни кўради:

- а) бюджетга кўрсатилган ҳаражатлар
- б) Конференцияда маъқулланган бошқа ҳаражатлар ва Ижро қўмитаси ўзининг ваколатлари доирасида мустақил тасдиқлай оладиган ҳаражатлар
- в) ЎФФ нинг мақсадларига мувофиқ бўлган бошқа ҳар қандай ҳаражатлар.

#### **72 модда. Мол-мулк**

1. ЎФФ ва минтақавий федерациялар ўзларининг шахсий ер майдонлари, бинолар, спорт иншоотлари, уй-жой фонлари, асбоб ускуналар, транспорт, спорт ашёлари, маданий-оқартув ва соғломлаштириш мақсадли мулки, пуллик маблағлар, акциялар, қимматли қоғозлар ва бошқа кўчар ва кўчмас мулкка эга бўлишлари мумкин.

#### **73 модда. Мустақил Аудит**

1. Конгресс томонидан тайинланган мустақил аудиторлар, бухгалтерлик ҳисобининг зарур меъёрларига мувофиқ Молиявий қўмита тасдиқлаган ҳисобларни текширишлари ва Конгрессга ҳисобот тақдим этишлари лозим. аудиторлар 4 йил муддатга тайинланадилар. Ушбу мандат унинг амал қилиш муддати тугаганда, қайтадан тикланиши мумкин.

#### **74 модда. Аъзолик бадаллари**

1. Аъзолик бадалларини мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқи учун, мураббийлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун, мусобақаларнинг ҳакамлигини ўтказиш ҳуқуқи учун, мусобақаларни назорат қилиш ҳуқуқи учун, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси бўлиш ҳуқуқи учун, ЎФФ томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларда қатнашиш ҳуқуқи учун тўлаш зарур. Янги аъзоларнинг жорий йил учун ҳар йиллик бадаллари, улар қабул қилинган Конференция ёпилган кундан бошлаб, 30 кун мобайнида тўланади.

2. Конференция Ижро қўмитасининг тавсиясига кўра, ҳар 2 йилда ҳар йиллик аъзолик бадалларининг қийматини белгилайди. У барча аъзолар учун бир хил бўлиши ва 5 барабар энг кам иш ҳақидан ошмаслиги шарт.

### **75 модда. Даъволарни бартараф қилиш**

1. ЎФФ ўзаро даъволарни бартараф қилиш учун аъзоларнинг ҳар қандай активларини қабул қилиши мумкин.

### **76 модда. Тўловлар**

1. ЎФФ матчларда қатнашганлиги учун ўзининг аъзоларига тўловлар тўланиш зарурлигини таъсис этиши мумкин.

## **VI. МУСОБАҚАЛАР ҲАМДА МУСОБАҚАЛАР ВА ПОЙГАЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР**

### **77 модда. Мусобақалар**

1. ЎФФ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида футбол бўйича барча мусобақаларни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради:

а) ҳаваскорлар ва касб усталари орасида футбол бўйича ички мусобақалар – чемпионатлар, кубоклар, биринчиликлар, мусобақалар, фестиваллар, матчлар, ўйинлар, учрашувлар ва барча даражада, тоифа ва миқёслардаги бошқа мусобақалар, шу жумладан, мажмуали оммавий-спорт тадбирларига киритилган;

б) ҳаваскорлар ва касб усталари орасида футбол бўйича халқаро мусобақалар – чемпионатлар, кубоклар, биринчиликлар, мусобақалар, фестиваллар, матчлар, ўйинлар, учрашувлар ва мазкур Уставга, ҳамда ФИФА ва ОФК талабларига зид бўлмаган, бошқа мусобақалар;

2. Ижро қўмитаси, ЎФФга тобе бўлган органларга мусобақаларни ташкил этиш ҳуқуқларини бериши мумкин. ЎФФга тобе органлар томонидан ташкил қилинадиган мусобақалар, ЎФФнинг ўзи томонидан ташкил этиладиган мусобақалар билан аралашмаслиги даркор. ЎФФ ташкил қиладиган мусобақалар устивор аҳамиятга эга бўлиши керак.

3. Ижро қўмитаси шунга боғлиқ равишда махсус регламентларни чоп этиши мумкин.

### **78 модда. Клубларни лицензиялаш**

1. ЎФФ нинг Ижро қўмитаси, ЎФФ нинг мусобақаларида клублар иштирок этишини мунтазам бошқарув турувчи, клубларни лицензиялаш қоидаларини ўрнатади.

### **79 модда. Ҳуқуқлар**

1. ЎФФ ва унинг аъзолари илгаридан, унинг бевосита юрисдикцияси остида ўтказиладиган, ўтказиш формати, вақти, жойи ва қоидалари билан боғлиқ ҳеч қандай чекланишларсиз, мусобақалар ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқларнинг эгалари бўлиб ҳисобланадилар. Бундай ҳуқуқларга, бошқалардан ташқари, ҳар қандай молиявий ҳуқуқлар, аудио/видео ва радио ёзувларга бўлган ҳуқуқлар, телевизион эшиттириш ва кўрсатишга бўлган ҳуқуқлар, мультимедиа ҳуқуқлари, реклама ва маркетингга бўлган ҳуқуқлар, ҳамда нишонлар ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун қаби, аклий мулк ҳуқуқлари киради.

2. Ижро қўмитаси, ушбу ҳуқуқлар қандай ва қайси муддатга фойдаланилишига боғлиқ равишда қарорлар қабул қилади ва ушбу масала бўйича махсус регламентларни тузади. Ижро қўмитаси якка тартибда, учинчи томон билан биргаликда, ёки мазкур ҳуқуқлардан алоҳида фойдаланиш, ёки учинчи томон орқали тўлиқ фойдаланишга тааллуқли бўлган қарор қабул қилади.

### **80 модда. Ҳуқуқларни ўтказишга бўлган санкция**

1. ЎФФ ва унинг аъзолари, ўтказиш формати, вақти, жойи билан боғлиқ ҳеч қандай чекланишларсиз, ҳамда уларнинг техник ва ҳуқуқий томонларисиз, уларнинг юрисдикцияси остида ўтказиладиган футбол матчлари ва турнирлари билан боғлиқ бўлган, видео тасвир, овоз ва бошқа ахборотни тарқатишга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш учун тўлиқ жавобгар бўладилар.

### **81 модда. Халқаро матчлар ва мусобақалар**

1. Терма жамоалар ёки кулблар орасида халқаро матчлар ва мусобақаларни ташкил этиш учун жавобгарлик тўлиқ равишда ФИФА зиммасига юкланади. Ҳеч қандай матчлар ёки мусобақалар ФИФА Ижройи қўмитасининг дастлабки руҳсатисиз ўтказилиши мумкин эмас.

бундан ташқари, ФИФА Регламентига мувофиқ, тегишли континентал Конфедерациянинг рухсати ҳам талаб қилиниши мумкин.

2. ЎФФ ФИФА томонидан тузилган, халқаро мувофиқлаштирилган Календар (Таквим)га амал қилиши лозим.

### **82 модда. Алоқалар**

1. ЎФФ, ФИФА аъзолари бўлмаган, ёки ФИФА билан келишмаган ва тасдиқланмаган континентал Конфедерацияларнинг вақтинча аъзолари бўлган миллий федерациялар билан матчлар ўтказиш ёки спортга доир алоқаларни ўрнатиш ҳуқуқларига эга эмас.

### **83 модда. Тасдиқлаш**

1. ЎФФ нинг таркибига кирувчи клублар, лигалар ва бошқа клуб гуруҳлари, ЎФФ ва бошқа миллий федерациянинг, шунингдек ФИФА нинг рухсатисиз, бошқа миллий федерациялар таркибига кириши ёки бошқа миллий федерациялар ҳудудидаги мусобақаларда иштирок этиши мумкин эмас, истисно ҳолатлардан ташқари.

## **VII. ЯКУНИЙ ҲОЛАТЛАР**

### **84 модда. Кутилмаган вазиятлар ва форс-мажор**

1. Ижро кўмитаси мазкур Устава назарда тутилмаган ҳар қандай масалалар бўйича, ёки форс-мажор ҳолатларида, қатъий қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

### **85 модда. ЎФФ ни тарқатиш ва тугатиш тартиби**

1. ЎФФ ни тарқатиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарор, уни қабул қилиш учун, ушбу мақсадларда махсус чақиртирилган Конференцияда овоз берадиган ЎФФ нинг барча аъзолари овозларининг 2/3 кўпчилигини талаб қилади (ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларига мувофиқ, бошқа ҳар қандай кўпчилик).

2. ЎФФ тарқатилган ҳолларда, унинг мулки, ЎФФ тикланишигача, ҳуқуқий ворис сифатида ваколатнома бўйича мазкур мулкка эгалик қиладиган ишончли шахсга ўтади. Лекин охириги Конференция кўпчилик 2/3 овозлар миқдори билан қабул қилинган қарорига биноан (ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларига мувофиқ, бошқа ҳар қандай кўпчилик), ушбу мулкнинг бошқа олувчисини белгилаши мумкин.

### **86 модда. Кучга кириши.**

1. Мазкур Устав ЎФФнинг 2009 йил 2 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган навбатдан ташқари Конференциясида қабул қилинган ва давлат рўйхатидан ўтган пайтидан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Футбол Федерацияси  
Президенти**

**М. Усманов**